

**“Пастдаргом тумани Ободонлаштириш бошқармаси” буюртмачилигида 2022 йилда жорий таъмирлаш бўйича ўтказиладиган қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 (олти минг) бараварига бўлган барча объектлар бўйича голиб Пудрат ташкилотни,Энг яхши таклифларни танлашини ташкил этиш ва ўтказиш орқали,танлаш бўйича**

## **Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби**

### **(РЕГЛАМЕНТ)**

#### **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2021йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонунига талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг Энг яхши таклифларни танлаш ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб бориладиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси коллегиял орган ва энг яхши таклифларни танлашнинг асосий қатнашчиси (Энг яхши таклифларни танлаш савдоларини ўтказиш жараёнининг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб.буюртмачи (инвестор) томонидан ташкил этиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади. Энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатдир.

1.3. Мазкур харид комиссияси “Пастдаргом тумани Ободонлаштириш бошқармаси” ининг 2022 йил 27 январдаги 08/б-сон буйруғи билан тасдиқланган.

#### **II. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

2.1. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг дастлабки йиғилиши Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан куриб чиқилади ва тасдиқланади:

- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчиларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, таклифини жойлаш шартлари ва талаблари;
- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;
- Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини;
- таклифни қаул қилишнинг муддатини, таклифларни кўриб чиқиш муддатини, бунда махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан кам бўлмаслиги шарт.

2.2. Энг яхши таклифларни танлаш таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2- иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайси бир Энг яхши таклифларни танлаш ва қатнашчисига устунлик берувчи Энг яхши таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.



2.5. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси барча объектларни Энг яхши таклифларининг танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ таклифларни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, Энг яхши таклифларни танлаш ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг ҳар бир объект бўйича комиссия раиси ва иштирок этган барча комиссия аъзолари томонидан электрон имзо орқали тасдиқланадиган баённомалар юритилади.

### **Ш. МАЛАКАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ**

3.1. Барча таклифлар харид комиссияси томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Малакавий ҳужжатлар ва уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, тасдиқланган Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг молиявий таклифлари инобатга олинмайди.

3.3. Малакавий ҳужжатлар тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси қатнашчиларнинг малака кўрсаткичларини баҳолашда барча комиссия аъзолари алоҳида, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Малакавий ҳужжатлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг энг яхши таклифларни танлаш комиссияси оддий овоз бериш усули билан қарор қабул қилади.

3.7. Агар қатнашчининг таклифи кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилиги овози маъқулланса, харид комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Энг яхши таклифларни танлаш комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир таклифнинг кейинги босқичларга ўтиши Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси 60 балл ва ундан юқори балл тўплаши керак, ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа ҳулоса ва қарорлари “Ҳа”, “Йўқ”, ёки “Бетараф” овоз бериш усули орқали амалга оширилади.